

(УЗА).

Федерико МАЙОР,
ЮНЕСКО Бош директори.

(Давоми 2-бетда).

Тошкент шаҳри,
1994 йил 17 ноябрь

 $(\ddot{Y}_{3A}).$

руга кўтарилаётганида фахр ва севинч туйғуси оғушди ва секинчи ёшларини дувдўв тўкишганини оннага ҳаҳон орқали кўп кузатганимиз. Ишончимиз қомилки, Ўзбекистон байроғи ҳали қатор Осиё ва жаҳон спорт ўйинлариди ҳам мағрур ҳилпирайди.

Мустақил давлатимиз, миллий гурурими, шон-шавкатимиз, муқаддас қадриятларимиз рамиз бўлган Ўзбекистон байроғи ҳар биримизга фуқаролик маъсурийати юкларини. Унинг ҳилпираб туриши қалбимиздаги фахр-ифтихор ҳиссини кучайтириб, Ватанга садоқат руҳи билан мустақамланган эътиқодимизга илоҳий куч бағишлайди.

Иброҳим НОРМАТОВ,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи-
мухбир

экспорт-импорт контрактлар экспертизаси ўқини тартибини соддалаштирини;

«Эбекистон тилар йўллари» давлат-акционерлик компанияси, «Эбекистон ҳаво йўллари» миллий анимациясини таъминловчи «Эвастор» давлат корпорацияси билан биргаликда ҳалқаро нормалар ва қондаларини ҳисобга олган ҳолда ташқи савдо ва йўловчилар ташиниши транспорт билан таъминлашни мувофиқлаштириши;

Эбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкни ҳимоя қилиш ва Азия вазирлиги билан биргаликда хоржий инвестициялар жалб этилган корхоналарини ташкил этиш ва уларни давлат раъхдатидан ўтказиш тартибини соддалаштириш тўғрисида тақлифлар киритиши.

11. «Эвастор»нинг давлат ҳимояси, Эбекистон Республикаси давлат соҳиби ҳимояси ташқи итисодий алоқалар бўйича статистиқа ҳисоботида давлат ахтиёслари учун экспорт ва импорт бўйича маълумотларини алоҳида қаторда қўрсатишлар.

12. Эбекистон Республикаси Молия вазирлигининг вазирлик марказий аппарати ҳождимлари соҳини 1995 йил 1 январидан бошлаб 25 кунига қўйиштириш ҳолда унинг марказий аппарати тўғрисидада хоржий валюталарда қара маблағларидан фойдаланишни ҳисобга олган ва назорат қилиш учун махсус бўлими, шунингдек, вазиро маблағларини ҳисобга олган бўйича марказлаштирилган бухгалтерия ташкил этиш тўғрисидада тақлифлар қабул қилинади.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Эбекистон Республикаси Ташқи итисодий алоқалар вазирлиги фавқолидди ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 26 мартада қарорининг вазирлик тўғрисидаги тасдиқлаштириш оид 3-банди, Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи савдо ортиқчиларини тартибга солишти оид чора-тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 25 мартада қарорига 3-қисмга ўз қўниш қўйишга деб ҳисобланади.

14. Махзур қарорнинг бажарилганини назорат қилиш Ёш вазирнинг уринбосерлари Ғ. Т. Султонов ва Б. С. Ҳамидов зиммасига қўйилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри

САЙЛОВ ТИЗИМИНИ ИСЛОХ ҚИЛИШ – ҲУҚУҚИЙ ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тўғрисидаги фармонларини тасдиқлайди, давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этади, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида баён этилган бир қатор бошқа ваколатларни амалга оширади.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини қайта қуришни қонуний жиҳатдан таъминлаш борасида янги парламент олдида жиддий вазифа турибди.

Ҳозирги пайтда ишлар турган Олий Кенгаши амалга оширган ишлар кўламига кўра тарихий деб аташ мумкин. Дарҳақиқат, Олий Кенгаш янги қонунчилик базасини вужудга келтириш соҳасида катта ишларни амалга оширди. Аслида ушбу қонунчилик базаси мамлакатимиз давлат тузилишининг заминини бўлди.

Олий Кенгаш ҳокимиятнинг қонунчилик, ижроия ва суд тизимлари ваколати ва масъулиятини белгилайдиган муҳим қонунларни, шунингдек бозор иқтисодиёти учун ҳуқуқий асосни яратган, ўттиш даврида аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлайдиган қонун ҳужжатлари катта туркуминини қабул қилди.

Янги сайланадиган Олий Мажлис кейинги йилларда вужудга келтирилган қонунчилик амалиётини давом эттириб, давлатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, тинчлик, товушлик ва барқарорликни таъминлашга, жамиятимизда рўбёга чиқарилаётган ислохотларни муқаммаллаштиришга ва шу асосда аҳолининг реал даромадлари ва турмуш даражасини оширишга қаратишни лозим бўлади.

Янги парламентта жамиятимизда қонун устуворлиги принципларини, мустаҳкам тартиб ва интизомни қарор топтириш, ирқи, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар ҳар қандай фуқарога конституциявий ҳуқуқларни таъминлаб бериш борасида жиддий вазифаларни ҳал қилиш талаб этилади.

Парламент сайланиши билан Ўзбекистон тарихида янги давр бошланади. Халқимиз Олий Мажлистан иқтисодиётини тезроқ барқарорлаштиришга, тadbиркорлик эркинлигига, инсон ҳуқуқлари ҳимоясига, жаҳон майдо-нида мустақил Ўзбекистон мавқеи юксалишига хизмат қиладиган қонунлар қабул қилинишини кутади.

Ўйлаймизки, Олий Мажлис депутатлари фақат ҳозирги эмас, балки келгуси авлодлар олдида ҳам ўз мамлакатлари тақдирини учун масъулиятларини чуқур англайдилар. Биз қурмоқчи бўлаётган жамият модели янги парламент қандай қонунлар қабул қилишга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий жамият барпо этиш йўлидан изчиллик билан бориб, республикада кейинги уч-тўрт йил ичида сайлов тизимини ислох қилишга қаратилган катта ишлар амалга оширилди.

Бу масала билан бевосита Олий Кенгаш Раёсати ва қўмиталари, республикамизнинг таниқли олимлари шугулланишган. Хорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган сайловга доир янги қонунларимиз, ривожланган мамлакатлар қонун ҳужжатларининг муҳим демократик нормаларини ўз ичига олиб, шу билан бирга улар ўз амалиётимизга, ўзбек халқининг анъаналарига таянгандилар.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида сайлов тўғрисида»ги қонунлар хорижий давлатлар мутахассислари ва сайлов ҳуқуқи соҳасидаги таниқли олимлар томонидан юқори баҳоланди. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунимизга ўхшаш қонун ҳозирча дунёда йўқ.

Сайлов тизимини ислох қилар эканмиз, биз аввало Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланамиз. Республикаимизнинг сайлов тизими демократик қондаларга асосланган бўлиб, у сайлов кунига 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқароннинг овоз беришда бевосита қатнашишини таъминлайди. Сайловда фақат суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар қатнашишлари мумкин эмас.

Ўзбекистонда сайловлар тенглик асосида ўтказилади. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир сайловчи бир овозга эга бўлиб, ижтимоий келиб чиқиши, ирқи ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусияти, шахсий, ижтимоий ва мулкий мавқеидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

Сайловларда яширин овоз бериш таъминланади. Овоз бериш биносида

сайлов бюллетенларини тўлғазиш учун албатта алоҳида хона ёки кабина ажратилган бўлади. Кабинада овоз берувчидан бошқа бирор шахснинг бўлиши манъ этилади. Бюллетенларни мустақил тўлғаза олмайдиган сайловчи эса кабинага ўз хоҳишига кўра ўзга шахснинг таклиф қилишга ҳуқуқлидир. Лекин ёрдамга чақирилган шахс сайлов комиссиясининг аъзоси бўлмаслиги шарт.

Сайлов бюллетенида сайловчининг фамилияси ҳам ёзилмайди, бирор рақам ёки белги ҳам қўйилмайди. Қўсқа қилиб айтганда яширин овоз бериш ҳуқуқини бузадиган бирор белги қўйилмайди.

Сайлов тизимимизнинг муҳим жиҳати — у кўп партиялик асосида ўтказилишидир. Собиқ ССР Иттифоқининг давлатлари орасида биз биринчи бўлиб кўп партиялик асосидаги сайлов тизимига ўтдик. Ёлдингизда бўлса 1991 йилнинг ноябрдаёқ Олий Кенгашимиз «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиб, унда сайлов кўп партиялик асосида ўтказилиши кўзда тутилган эди. Ана шу Қонуннинг 24-моддасида белгиланган тартибда рўйхатга олинган сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи берилиши қайд этилган. Ушбу Қонун билан бирга Олий Кенгаш 1991 йилда «Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида»ги Қонунни ҳам қабул қилган эди.

Қонунларимиз амалий синовдан яхши ўтди. 1991 йилнинг декабрида муқобил асосида Ўзбекистон тарихида биринчи марта республика Президенти сайлови ўтказилди. Айни чоғда янги қонун асосида, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисида референдум ҳам ўтказилган эди.

Ана шуларнинг ҳаммаси кўрсатиб турибдики, Олий Мажлис ҳамда вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида депутатлар сайлашга доир ҳозирги сайлов кампаниясига биз яхши, демократик қонунларга ва тадбирларни ўтказиш муҳим тажрибасига эга бўлган ҳолда етиб келдик.

Қандай қонунлар қабул қилинишига, уларнинг бажарилишига қандай муносабатда бўлишимизга қараб давлатимизнинг моҳияти тўғрисида, ижтимоий-сиёсий тизимимизнинг демократия ва тараққиёт даражаси ҳақида, фуқароларимиз ҳуқуқ ва эркинликларининг мазмунини тўғрисида фикр юритилишини ҳаммамиз яхши тушуниб турибмиз.

Шу боис сайлов тўғрисидаги қонунларимизни чуқур ўрганиш ва идрок этишга жиддий эътибор беришини эсга сўрайман. Ушбу қонунларнинг талаблари эски пайтларда таркиб топган ёндашувлар билан ҳамон тўқнашмоқда. Янги қонунлар қабул қилиниши эски сайлов тизимини, у билан биргаликда эса сайлов амалиётини ҳам тубдан ўзгартиришни одамларга тушуинтиришимиз лозим.

Шу муносабат билан сайлов тўғрисидаги янги қонунларнинг ва умуман сайлов тизимининг айрим ўзига хос хусусиятларини алоҳида қайд этмоқчиман.

Биринчидан, сайлов комиссияларини тузишга бўлган муносабат тубдан ўзгартирилди. Уларнинг бажарадиган вазифалар кўлами батафсилроқ ва аниқроқ белгиланди.

Эсингизда бор, аввалги сайловда сайлов комиссияларининг таркибига меҳнат жамоаларида, турар жойларда, ҳарбий қисмларда номзодлар кўрсатилган эди. Ўтган сайловда қатнашганлар яхши тушунишди — бу собиқ Иттифоқнинг қонун ҳужжатларидан мерос бўлиб, ҳеч кимга керак бўлмаган беҳуда ташкилотчиликнинг қўриқчиларидир.

Шу тарзда тузилган сайлов комиссияси ким олдидан ҳисобдор экан, деган саволни ўзингизга бериб кўринг-а. Унинг номзодини кўрсатган жамоагами, комиссия таркибини тасдиқлаган Кенгашгами, уни қўллаб-қувватловчи партиягами ёки юқори сайлов комиссиясигами?

Сайлов тўғрисидаги янги қонунлар қандайс комиссияларнинг бирон-бир бошқа органлар таъсиридан ҳоли бўлишини таъминлайди. Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан, участка сайлов комиссияси эса округ сайлов комиссияси томонидан ташкил қилинади. Шу тартика бора поғоналардаги сайлов комиссияларининг бир ёқадан бош чиқариб ишлашини таъминлайди. Сайлов комиссияларининг аъзолари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлишлари мумкин эмаслиги ҳам принципал янги талабдир.

Қонун ҳужжатлари Олий Мажлисида сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига катта масъулият юкланишини назарда тутди. Аввалги сайловдан фарқи равишда Марказий сайлов комиссиясига 250 та сайлов округидан кўрсатилган Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг барчасини рўйхатга олишдек мураккаб вазифа юкланган.

Бугун шунини таъкидлаيمизки, Олий Кенгаш томонидан ташкил қилинган Марказий сайлов комиссияси ушбу вазифани муваффақиятли ушладиди ва депутатликка номзодларни рўйхатга олиш юза-сида катта ишларни амалга оширди.

Янги қонун ҳужжатлари округ сайлов комиссияларини депутатликка номзод-

ларни рўйхатга олишдан озод қилиб, айни чоғда янги вазифалар киритган. Аввало участка сайлов комиссияларининг фаолиятини тартибга солиб бориш, уларнинг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилиш кабилар шундай вазифалар сирасига кирди.

Участка сайлов комиссияларининг таркибларини тасдиқлашга доир ишлар тугалланди. Ўйлаймизки, уларнинг таркибига тажрибали кишилар танлаб олинган. Шу билан бирга жойларга бораёқ, улар билан жиддий тайёргарлик иши ўтказилса тўғри бўлади деб ўйлайман.

Депутатликка номзодларни кўрсатиш сайлов кампаниясининг энг муҳим ва масъулиятли босқичларидан биридир. Айни шу босқич бўлгуси депутатлар корпусининг таркибини кўп жиҳатдан белгилайди.

Шу муносабат билан айтмоқчиманки, халқ депутатлари сайлови тўғрисида эски қонуннинг номзод кўрсатишга тааллуқли нормалари тубдан қайта қўриб чиқилди. Аввалги сайловларда номзодларни кўрсатиш қай тарзда ўтганлигини эсласангиз керак. Эски қонун нормалари, албатта, демократик, лекин етарлича пухта ўйлаб қўрилмаган эди. Сайлов қонуни Ўзбекистон ҳали «Қудратли СССР давлати» таркибида бўлган даврда қабул қилинган эди. Демократия ниқоби остида номзодлар меҳнат жамоалари орқали кўрсатилган эди.

Бир партия ҳукмрон бўлган ва марказ зугум қилиб турган шароитда биз шу йўлдан боришга мажбур эдик. Натжидада у кўпгина салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Баъзи номуносиб шахслар сайловчилар оғзини мойлаш ва уларни алдаш йўли билан ўз номзодлари кўрсатишга эришиб олган эди.

Сайлов тўғрисидаги қонунлар ишлаб чиқарилаётганда ушбу салбий ҳодисаларнинг ҳаммаси эътиборга олинди. Шунга кўра, сайлов тайинланган кунга қадар Алдия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган сиёсий партияларнинг депутатликка номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эътиборли. Бундан ташқари, сиёсий партия ўзини қўллаб-қувватлайдиган камияда элик мўнг сайловчининг имзосини тўплаши лозим. Бу тажриба ривожланган демократик давлатларнинг кўпчилигида амал қилмоқда.

Олий Мажлис депутатлигига номзодларни кўрсатиш ҳуқуқи шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида бериладиган. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида ўз номзодларини кўрсатиш ҳуқуқи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида берилади.

Сайлов ҳуқуқи соҳасидаги кўпбал олим ва мутахассислар ушбу янгиликка ижобий баҳо бермоқдалар. Маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳозирги кунда олдин одамларга ҳаммадан кўра яқинроқлар. Уларнинг талаб-эҳтиёжларини яхши биладилар ва уларнинг манфаатларини ҳаммадан кўра кўпроқ ифода эта оладилар.

Ҳозирги кунга қадар вакиллик ҳокимияти органлари томонидан Олий Мажлис депутатлигига 250 номзод ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг депутатлигига салкам 2 минг номзод кўрсатилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлигига салкам 6 минг номзод кўрсатди.

Сиёсий партиялардан депутатликка жами 6110 номзод кўрсатилди. Олий Мажлис сайлови бўйича битта депутатлик мандатига 2 ёки 3 номзод тўғри келмоқда. Кўриб турибсизки, 25 декабрда фуқароларимизга ўз хоҳиш-иродаларини ифода этиш ва ўз танловларини амалга ошириш ҳуқуқи берилади.

Депутатликка номзодларга қўйилган талабларни белгилайдиган нормалар сайловга доир қонун ҳужжатларида оид яна бир принципиал янгиликдир. Масалан, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинишлари мумкин эмас.

Ушбу талаб Конституциямиздан келиб чиқди, ушбу талабнинг боиси шундаки, республикамиз мустақилликка эришиб, дин давлатдан ажратилган дунёни ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан изчиллик билан бормоқда.

Судланганлиги қонунда белгиланган тартибда бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган фуқаролар, шунингдек сайлов тайинланган кунга қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаган фуқаролар депутатликка номзод этиб рўйхатга олинишлари тўғрисидаги талаб ҳам барчамизга тушунарли бўлиши керак.

Қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилиш давомида ушбу талаблар одамларимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Албатта, республика парламентида жиноят содир этган шахслар бўлмаслиги лозим. Ўз хатти-ҳаракати учун жавоб бера олмайдиган ва ҳуқуқ-тартиботни

бузадиган фуқарога нега шундай ишонч билдиришимиз керак? Ахир у кўпдан кўп сайловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қила оладими?

Сайлов тайинланган кунга қадар сўнгги беш йил мобайнида республика ҳудудида доимий яшамаган фуқаро депутатликка номзод этиб рўйхатга олиниши мумкин эмаслиги ҳақидаги талаб ҳам адолатлидир. Ўзингиз айтинг, ахир беш йил шу қадар катта муддатки, шу давр ичида одамларнинг онгига ҳам, умуман жамиятга ҳам катта ўзгаришлар рўй беради. Одатий муносабатлар ўзгариб кетган бўлади, инсон ўзгарган шароитда ўзини қандай тутишга ва тўғри ечимлар топишга, ўзи шу давр мобайнида ажралиб қолган жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларини тушунишга қийналади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқиб, «Олий Мажлисга сайлов тўғрисида»ги Қонун нормасида шундай талаб киритилдики, Ҳукумат аъзолари, судьялар, Бош прокурор ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари депутат бўлиб сайлансалар, эгаллаб турган лавозимларидан озод қилинишлари тўғрисида ариза бериб қўйган тақдирдагина депутатликка номзод этиб рўйхатга олинадилар.

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳарбий хизматчилар, Миллий ҳавфсизлик хизматининг, Ички ишлар вазириги ва бошқа ҳарбийлашган бўлинмаларнинг ҳодимларини депутатликка номзод этиб рўйхатга олишда ҳам чеклашлар киритишни кўзда тутди.

Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодлар рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни эълон қилганда кейин сайлов кампаниясининг навбатдаги босқичи — сайлов олдиди ташвиқоти ўтказиш бошланади.

Сайлов олдиди ташвиқоти ташкилотчилари қонун белгиланган талабларини яхши тушунишлари ва уларга қатъий амал қилишлари шарт. Аввалги халқ депутатлари сайловига шундай воқеалар ҳам бўлидики, номзодлар кўрсатилган айрим шахслар ўз хизмат мавқеаларидан фойдаланиб, пул маблағларини ишга солиб, ташвиқот варақаларини тайёрлаганлар, телевидение ва радио орқали сўзга чиқишга ҳаракат қилганлар. Бунга йўл қўйиб бўлмайд.

Чунки бундай хатти-ҳаракатлар номзодларни тенгсиз аҳолга солиб қўяди ва қонуннинг тўғридан-тўғри бузилиши бўлади. Қонунда эса айтилганки, сайлов кампаниясини маблағ билан таъминлаш фақат давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Сайлов тўғрисидаги янги қонун ҳужжатларида сайлов олдиди ташвиқоти юритишга янгича ёндашувлар кўзда тутилган. Бўлгуси фаолит дастури билан чиқиш ҳуқуқи сиёсий партияларга берилиши қонунда ёзиб қўйилган. Бинобарин, республика оммавий ахборот воситаларида сайловда қатнашувчи сиёсий партия намояндасига бўлгуси фаолият дастури билан чиқиш имконияти берилиши керак. Шу билан бирга тенг шароитлар таъминланиши шарт.

Сиёсий партиялардан ва вакиллик ҳокимияти органларидан кўрсатилган депутатликка номзодлар сайлов олдиди ташвиқоти даврида номзодларни кўрсатилган округда сайловчилар билан учрашадилар ва улар олдиди сўзга чиқади-лар.

Номзодларнинг бирига сайловчилар билан учрашув уюштириб берилса, мазкур округдан номзод кўрсатилган бошқа депутатликка номзодлар учун ҳам худди шундай имконият яратиб берилиши шарт. Депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларида, масалан, радиола, газетада чиқиш тенг имкониятлари берилади.

Учрашувлар ўтказиш чоғида депутатликка номзодларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш мумимдир. Аввалги сайловларда бўлгани каби улар турли шахсий илтимосларни бажаришга ваъда бермасликлари керак. Олий Кенгашимизга ханузгача сайловчилардан шикоятлар келиб турибди. Улар ўз шикоятларига сайлаган депутатлари кўпроқ қуриб бераман деб ваъдани бажармаганини, водопровод суви ёки газ қувури ўтказиб бераман деб сўзининг устидан чиқмаганини баён қилишадилар.

Бу йилги сайлов кампаниясида сайловчилар билан ўтказиладиган учрашувларда ана шундай воқеаларга йўл қўймаслигимиз керак. Депутатликка номзод олдин ва содда тилда парламентнинг мақсад ва вазифаларини, умалга қилинган ишларни тушуинтириб бермоғи лозим. Депутат бўлиб сайланса Олий Мажлисда ўз сайловчиларининг хоҳиш-иродасини ҳимоя қилаётгани ва уларнинг таклифлари парламент томонидан қабул қилинадиган норматив ҳужжатларда эътиборга олиниши учун ҳалқат қилинишни ваъда этиши керак.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказишда ишончли вакиллар ёрдам беришлари мумкин. Олий Мажлис депутатлигига номзодга беш нафаргача ишончли вакиллари бўлиши ҳуқуқи берила-

ди. Ишончли вакиллар уларни округ сайлов комиссияси рўйхатга олгандан кейингина ўз ишларига киришишлари мумкин.

Кейинги пайтларда бизга депутатликка номзод ишончли вакилининг асосий вазифалари тўғрисида кўпбал саволлар тушмоқда. Ишончли вакил депутатликка номзод қайси сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган бўлса, фақат ўша округдагина у ёки бу шахснинг сайланиши учун ташвиқот олиб бориши мумкин. Ишончли вакил барча даражалардаги сайлов комиссияларида, давлат органлари ва бошқа жамоат бирлашмаларида депутатликка номзоднинг манфаатларини ифода этишга ҳуқуқлидир.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказётганда ишончли вакил қоида тариқасида, депутатликка номзоднинг қисқача таржimai ҳолини баён этади, унинг ҳаёти йўли тўғрисида гапириб беради, уни Олий Мажлис депутатлигига сайлаш учун ташвиқот қилади.

Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги Қонун округ сайлов комиссиясининг зиммасига депутатликка номзодларга тенг шароитларни таъминлаб бериш ваколатини юклайди. Округ сайлов комиссияларининг раислари ушбу муҳим талабнинг таъминланишини қатъий назорат қилиб боришлари лозим.

Масалан, агар туман ёки шаҳар ҳокимлиги, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи депутатликка номзодга хоналардан, транспортдан, алоқа, радио ёки матбуот воситасидан фойдаланиш имкониятини берса, ушбу сайлов округидан депутатликка кўрсатилган бошқа номзодга ҳам бир хил имкониятлар берилиши шарт.

Сайлов кампаниясининг кенг ошқоралигини таъминлаш сайлов тўғрисидаги янги қонун ҳужжатларининг муҳим талабларидан биридир. Ҳозирги кунда биз қонунларимизнинг талаблари нақадар жадал ва аниқ баёнлаётганининг тўғри ҳисоб. Сайлов кампаниясига доир жами ахборот фуқароларимизнинг эътиборига ўз вақтида етказилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг раҳбарларига шу йўлдан оғишмаслиқ тўғрисида истак билдирмоқчиман. Қонуннинг ҳар бир талаби сўзсиз бажарилиши шарт ва зарурий маълумотлар ўз вақтида эълон қилиниши лозим. Сайловда қатнашувчи сиёсий партияларнинг дастурларини эълон қилишда шароитларнинг тенглиги принципига амал қилинишига ниҳоятда жиддий эътибор бериш керак.

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари киритган асосий янгиликларни тушуинтириш ишларини давом эттириш, уларни сайловчиларга кенг маълум қилиш, сайлов кампаниясининг қолган босқичларига алоҳида эътибор бериш зарур. Сайлов тизимимиз ҳақида гапирганда сайлов тўғрисидаги янги қонун ҳужжатлари депутатликка номзодларга муҳим кафолатлар беришини ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Масалан, депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган шахслар сайлов олдиди тадбирларни ўтказиш даврида ишлаб чиқаришдаги вазифаларидан озод қилинадилар. Шу билан бирга уларга сайловни ўтказишга ажратилган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи тўланади. Олий Мажлис депутатлигига номзоднинг тегишли сайлов округи доирасида транспортда текинга юриш ҳуқуқи муҳим кафолатлардан биридир.

Қонун ҳужжатларида депутатликка номзоднинг уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ёки ҳокимият вакиллик органи олдидаги масъулияти ҳам кўзда тутилган. Депутатликка номзодга гайриқонуний ҳаракат қилса ёки уни номзод этиб кўрсатган органнинг бўйрига пугур етказадиган хатти-ҳаракатлар содир этса, сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи уни номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини бекор қилиши мумкин. Мазкур шахсини депутатликка номзод мақомидан Марказий сайлов комиссияси маҳрум этади.

Шу билан биргаликда депутатликка номзод этиб кўрсатилган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси сайловга қадар исталган пайтда ўз номзодини олиб ташлашга ҳуқуқлидир. Бунини ҳам фуқарога эркинлик ва мустақиллик берадиган сайлов тизимининг муҳим афзалликлари билан бир деб ҳисоблаш ўринлидир.

Сайлов кампанияси ҳал қилувчи босқичига қадам қўймоқда. Бу фақатгина сиёсий дастурлар бешлашуви, фикрлар мунобаҳаси эмас, балки, кенгрок олиб қараганда, шахсларнинг ҳам ўзини намоён этиши босқичидир. Шу муносабат билан қонун ҳужжатлари талабларининг тўғри тушунилиши ва тўғри ижро этилиши устидан назорат қилиш соҳасида аниқка сергак бўлишимиз зарур. Фуқароларнинг сайлов комиссиясига қилаётган ҳар бир мурожаатига ниҳоятда жиддий эътибор билан қараш керак. Шундай ҳоллар ҳам бўлиши мумкинки, айрим номуносиб шахслар уларнинг фарзли мақсадларида Қонунни бузишдан ҳам тоғмайдилар. Бундай ҳолларда қонуний усуллар ёрдамида ушбу шахслар ҳаракатларининг пайини қирқиш лозим.

Сайлов тўғрисидаги қонунларимиз сайлов ҳужжатларини қалбақлаштириш, овозларни атайин нотўғри ҳисобла-

ганлик, овоз бериш яширинлигини бузганлик учун жавобгарликни кўзда тутиши барчангизга яхши маълум. Депутатликка номзодлар ҳақида ёлгон маълумотларни босиб чиқарган ёки бошқача усулда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортилади.

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига мувофиқ равишда 10 ноябрда депутатликка номзодларни кўрсатиш жараёни тугалланди. Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилганлар орасида аввалги сайлов кампаниясидан фарқли равишда юрист ва иқтисодчилар анча кўпроқ, номзодларнинг аксарияти олий маълумоти, Ўзбекистонда зич яшовчи деярли барча миллатларнинг намоёндалари бор.

Ҳуллас, республиканинг янги парламентида Олий Мажлисда самарали ишлай оладиган, масалаларни ҳал этишга ҳақиқий давлат арбобларидек ёндаша биладиган одамлар келишлари керак.

Акк-садо

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ -- ДАХЛСИЗ

«Санъат сохталикни кечирмайди» («Халқ сўзи» 1994 йил, 11 октябрь).

Мақолада долзарб мавзулардан бири -- санъатимизнинг шу кунги аҳоли, телекурсувлар савияси ҳақида очикчасига ёзилган.

Кейинги пайтларда миллий санъатимиз ва маданиятимизга эътибор кучайди. Айниқса, ёш санъаткорлар ўз истеъдодларини намоиш қилишлариغا имконият янада кенгайди. Лекин ачинарли ҳол шуки, бир-иккита қўшиқни ўзларига қўйга солиб, кўз-кўз қилиш қўлайиб кетди. Масалан, ўзбек халқ қўшиқлари тиклаш ва уни халққа етказиш мақсадида ташкил этилган «Анор» телевизион курсуви ўз мақсадида узоқлашиб бораётди. Айрим санъаткорлар битта қўшиқ билан деярли ҳар курсувада қатнашгилар эканлигини қўшиқ ўрганган ҳаваскор ҳам қатнашмоқда. Қўшиқнинг мусикаси ва шеъри ким томонидан яратилгани тўғрисида айтилмайди. Ёки бир қўшиқни бир неча киши ҳар хил мақомда айтади. Бу муаллиф ҳуқуқларининг тўғридан-тўғри бузилиши демакдир. Қолаверса, муаллифлар ўзлари томонидан яратилган ҳар бир асар ижро этилгандан сўнг қалам ҳақи олиш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, асарнинг дахлсизлиги қонун билан қўриқланади. Қўшиқ ижрочилари томонидан мусика ва шеър муаллифларининг рухсатисиз, ўзбошимчилик билан ўзгартириш қилинишига йўл қўйилмайди. Янги ташкил этилган санъат ва оммавий ижрочилик

фаолияти билан шуғулланувчи гуруҳларнинг бадий савияси, репертуарларининг рўйхати, ижрочилик маҳоратлари мутасадди ташкилотлар, жумладан, Маданият ишлари вазирлиги томонидан рўйхатга олинishi ва ундан сўнг намоиш этиш нazorat қилиб бoрилиши лoзим. Мақoлада нoм-лари кўрсатиб ўтилган гуруҳлар хoрижда (бoрди-ю) ўз «сaнъaтлари»ни нaмoиш этиб қoлгудек бўлсалар, чет эл фуқарoлари oлдидa «ўзбек сaнъaти» қaндай тaaсyрoт қoлдирaди? Aхир Бoтир Зoкировдек яққaхoн эcтpaдa хoнaндaси Фaрaнгистoн хaлқига қyлoқни қoмaтa кeлтирувчи мyсикa aсбoблaри-ю шoвқини билaн эмaс, бaлки юрaқини лaрзaгa сoлувчи миллий oҳaнги, oвoзи, истeъдoди билaн бизни тaнитгaн эмaсми?

Мақoлада нaзoрат қилиш вa мaхсyс лицензиялар бeриш мaсaлaси кўтарилгaни тўғри. Жoйлардaги ҳoқимият oрган-лари oммaвий ижрoчилик, мaдaнийaт вa сaнъaт билaн шyғyллaниш ниятидa тyзилaётгaн бaрчa гуруҳларнинг низоми-лари ёки ycтaвлaрини рўйхaтдaн ўткaзиб, уларгa рyхсaт бeрмoқ-дaлар. Рўйхaтгa oлишдaн aввaл мyтaсaдди тaшкилoтлар Мaдaнийaт ишлaри вaзирлиги, унинг жoйлардaги бoшқaрмaлaри, рeспyбликa Муaллифлик хyқyқини ҳимoя қилиш дaвлaт вaкиллигидaн ҳaм рoзил

олишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки Маданият ишлари вазирлиги ижрочилик маҳорати ва савияси учун жавоб бeрca, Муaллифлик хyқyқини ҳимoя қилиш дaвлaт вaкиллиги ижрo этилгaн мyсикa, шeър вa бoшқa кўри-нишдaги бaдий aсaрларнинг дaхлcизлигини тaъминлaрдир, улардaн тyшaдигaн aжрaтмa мaблaғлар ҳaмдa муaллифлик қaлaм ҳaқи тўлaнишини ўз вaқтидa нaзoрат қилиш имкoнийaтигa эгa бўлaрдир. Ижрoчи гуруҳларгa жoйлaрдa ижрo этиш yчyн мaхсyс рyхсaтнoмa бeриш ҳaм айни мyддo. Шyнингдeк, бўлaр-бўлмaс шeърларгa мyсикa ёзи-либ, ижрo этиш oддий ҳoлгa aйлaниб бoрмoқдa. Мaтбyот, тeлeвидeниe, рaдиoдa шeър тaнқидчилиги, унинг бaдий вa гoявий сaвийaси тўғрисидаги мyнoзaрaлар ҳaм кaмaйиб кeтди. Бaлки бyни шoирлар, aдaбиётчи oлимлар вa мyтaсaдди хoдимлар ўйлаб кўри-шaр. Шyндaгинa ҳaр бири-миз миллий шeъриятимиз, миллий сaнъaтимиз софли-гини тaъминлaгaн, кeлaжaқдa уни жaҳoн хaлқи oлдидa oбpy-этибoр билaн нaмoиш қи-лдa oлдaдигaн сaнъaт юлдyзлaри eтишиб чикишгa зaмин яратгaн бўлaмиз.

Ботир ЗУБАЙДУЛЛАЕВ,
республика Муаллиф
ҳуқуқини ҳимоя қилиш
давлaт вaкиллиги рaйсининг
ўринбocари.

Бобокул ТОШЕВ,
aлдия мaслaхaтчиcи.



Бағрингиз кенглигин мен ҳам
билaман,
Oғригaн дилларгa мaлҳaм тyтaсиз.
Cўзлашгaнгиз кeлиб бaхтлилар билaн,
Бaхтиёр дaмлaрни ёниб кyтaсиз.

Ишoнинг, cўзларим ёлғoмaс,
рoстдир,
Туйдa дaрдин cўйлaр cизгa
oдaмлaр.
Хoтиржaм кyнингиз эҳтимoл
oздир,
Cизгa нacиб бўлaр энг бaхтли
дaмлaр.

СУРАТДА: Чeлaк тyмaнининг
мaркaзий шифoхoнaси бoш
шифoкoри Тyрeсyнбoй Oртиқбoев.

Р. ШAГAЕВ oлгaн cурaт.

Улар oрасидa «Caвдo», «Нaргиз», «Индирa», «Учрaшyв» фильмaлaри бoр. Улар Тoшкeнт, пoйтaхт вилoятини вa Cаmарқaнд шaҳри кинoтeатрларидa нaмoиш қилинaди.

Фeстивaль дoиpасидa фильмaр мyҳoкaмaси, Ҳиндиcтoн кинoaртиcтлaри вa рeжисcёрлaри билaн yчрaшyвлaр бўлaди.

лантиришнинг мyҳимлигини, бy aлoқaлар иккaлa мaмлaкaт yртacидaги ҳaмкoрликни кeнгaйтиришгa ёрдам бeришини тaъкидлaди.

Фeстивaлдa нaмoиш қилиш yчyн тaниқли вa ёш рeжисcёрлар cурaтгa oлгaн 14 тa фильм тaнлaб oлингaн.

ҲИНД КИНОСИ МЎЪЖИЗАСИ

Алишер Навоий номидаги Санъат саройида Ҳиндистон киноси фестивали «Кел, мени оғушингга ол» фильмининг намоиш қилиш билан бошланди.

Ҳиндистондан келган кўпгина таниқли кинематография арбоблари фестивал меҳмони бўлиб, унда иштирок этишмоқда. Кинофестивални очиб

маросимида қатнашган Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Далил Мехта маданият соҳасидаги алоқаларни ривож-

Спорт

САМАРҚАНДЛИКЛАР ОЛИЙ ЛИГАДА

Чемпионат тугашига икки тур қолганда олий лигага бeриладиган икки йўлланмадан бирининг эгаси маълум бўлди. Сафарда «Ғазалкент» жамоасини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратган Самарқанднинг «Динамо» жамоаси биринчи йўлланма соҳиб бўлди.

Ҳа, ўтган йили олий лигада муваффақиятсиз тўп сургaн cамарқандликлар бир йил ичида ўзларини қайта тиклаб, яна олий лигада тўп суриш ҳуқуқини қўлга киритишди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Ўтган йилги муваффақиятсизликдан тўғри хулоса чиқарган Самарқанд вилoятини футбол федерацияси мавсум бошидаёқ турли жамоаларга тарқаб кетган ўз футболчиларининг севимли «Динамо»га қайтишини тaъминлади. Вилoятнинг eтaқчи жамоасининг яна олий лигага қайтиши учун футболчиларни бир бутун жамоа бўлиб тўп суришга, ҳар бир ўйинда гaлaбa қoзoнишгa рyҳлaнтириб бoрди. Бу ҳaрaкaтлар ўз cамарасини бeрди -- «Динамо» 34 yчрaшyвдaн 51 oчки тўплaб, яна олий лигага қайтди. Уларнинг рақиблари дарвозасига киритган тўплари ҳам лигада энг юқoри кўрсaткичдир (81 тa).

Иккинчи йўлланма учун кураш Муборакнинг «Машъал» ва Косонсойнинг «Кушон» жамоалари ўртасида бoрaяпти. Кeчa бy жамоалар Косонсойда ўзaro кyч cинaшишди. 4 oчки қир-ймaтигa эгa бўлгaн yшбy yчрaшyвдa ҳaр икки жамоа гaлaбa қoзoнишгa ҳaрaкaт қилдилар. «Тaбиий, yчрaшyв кeскин кyрaшлар oсти-

да ўтди. Учрашув бош ҳаками уч марта ўн бир метрлик белгидан жарима тўпи тепилиши кераклигини кўрсатди. Мезбонлар дарвозаси томон белгиланган жаримани «Машъал» ўйинчиси Қаҳҳоров аниқ амалга оширди. Ўз навбатида «Кушон» ҳам дастлабки ўн бир метрлик жаримадан тўп киритди. Уни Ваганян аниқ амалга оширди. Учрашувнинг сўнгги -- 90-дақиқасида «Машъал» дарвозаси томон белгиланган ўн бир метрлик жарима тўпини косонсойлик Бобоев дарвозага кирита олмади. Шундай қилиб, чемпионат якунланишига икки тур қолганда олий лигага бeриладиган иккинчи йўлланма учун кураш олиб бoришaётгaн «Машъал» вa «Кушон» жамоалари ўртa-

сидаги очколар фарқи тўртталигича сақланиб қолди. Бу дeгaн cўз мyбoрaқликлар ўз майдонидa ўтказадиган икки yчрaшyвдa бoр-йўғи бир oчки oлcа-лар кифйo -- oлий лигага йўлланмa нaқд. Cўнгги турлардa улар Янгийўлнинг «Мебeлчи» вa Жиззахнинг «Йигирувчи» жамоаларини қабул қилишaди. «Кушон» эcа cафaрдa «Норин» вa «Oлтин-кўл»нинг мeҳмoни бўлaди.

36-турнинг қoлгaн yчрaшyвлaридa қуйидаги нaтижaлар қaйд қилинди:

«Кимёгaр» -- «Cитoрa» -- 2:1 «Бoғдoд» -- «Oлтин-кўл» -- 1:0, «Мeтaллyрг» -- «Норин» -- 3:2, «Бaхт» -- «Нacаф» -- 1:0, «Йигирувчи» -- «Лoкoмoтив» -- 2:2, «Мeбeлчи» -- «Динaмo» (У) -- 0:0.

Cўнгги тур yчрaшyвлaри 23-26 нoябpь кyнлaри ўткaзилaди.

Рaсул ЖУМAЕВ,
«Хaлқ cўзи» мyҳбирини.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Динамо» (С)	34	22	7	5	81:29	51
2. «Машъал»	32	21	6	5	59:23	48
3. «Кушон»	32	20	4	8	58:38	44
4. «Зарафшон»	32	16	8	8	49:27	40
5. «Олтинкўл»	32	16	6	10	40:37	38
6. «Металлург»	32	15	8	9	65:32	38
7. «Прогресс»	32	14	10	8	53:36	38
8. «Богдо»	32	16	3	13	57:35	35
9. «Локомотив»	32	14	5	13	46:50	33
10. «Ситора»	34	12	7	15	44:35	31
11. «Мебелчи»	32	12	7	13	33:38	31
12. «Кимёгар»	32	11	9	12	47:45	31
13. «Бахт»	32	10	6	16	38:58	26
14. «Ғазалкент»	32	9	7	16	27:68	25
15. «Норин»	32	9	6	17	35:52	24
16. «Насаф»	32	7	5	20	32:53	19
17. «Динамо» (У)	32	7	5	20	23:63	19
18. «Йигирувчи»	32	3	3	26	30:89	9

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КАТАКЛИ ТЕЛЕФОН АПОҚАСИ - ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Тошкентда ТДМА тизимидаги мутлақо янги рақамли замонавий электрон ускуналик катакли (сотовый) алоқанинг иккинчи станцияси фойдаланишга топширилди. Уни Шимолий Американинг жаҳонга машҳур "Нортен телеком" фирмаси етказиб берди.

Самарқанд ва Урганчда ҳам катакли алоқанинг янги станциялари жорий этилди. Қаршида худди шундай станция монтаж қилинмоқда. Навбатда эса Бухоро, Нукус ва Фарғона водийси шаҳарларида катакли алоқани ривожлантиришга оид лойиҳаларни амалга ошириш вазифаси турибди.

"Моторола" фирмасининг катакли алоқа телефон аппаратларининг энг янги моделлари аввалги нархга нисбатан 2-3 баравар арзон сотилади.

Катакли телефон маҳаллий абонентлар, шунингдек, ва халқаро алоқа каналлари орқали қилинадиган энг замонавий алоқа туридир. Бу — факсимил алоқа ва автомобилдаги телефондир.

Катакли телефон — экстра-классли энг тезкор электрон алоқа!

"Ўзқуниробита" қўшма корхонаси.



абонентларга
баҳода сўмга

ажратилган шаҳарларaro
ишончли, қулай ва
ахборот узатиш, бу —

Алоқа учун телефон:
(3712) 44-17-09, 44-32-08.

Факс:
(3712) 40-26-68.

